
ДАНҒАРА ТУМАНИДА ЯНА БИР “АЁЛЛАР ДаФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ЎЗ ТУРАР ЖОЙИГА ЭГА БЎЛДИ.

Республикамизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами ортиб бормоқда. Айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги мавжуд юртдошларимизнинг жамиятдаги ўрни, мавқеини тиклаш, уй-жой ва даромад манбаига эга қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар қувонарлидир.

Данғара тумани Катта Амиробод МФЙ Довчар қишлоғида яшаб келган бокувчисини йўқотган 2 нафар фарзанди бўлган “Аёллар дафтари”га киритилган Матмуродова Озодахонга уй жойга эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, туман ҳокими ташаббуси билан бир неча йиллар давомида бўш турган бино қайта тамирланиб турур жой сифатида расмийлаштирилиб топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)

2021-03-25 13:33:35